


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680–16.02.2018.
ISSN № 2181–9017

М У Н Д А Р И Ж А

БЕРУНИЙ ЎҚИШЛАРИ

Сўзбоши 3

1. **Аҳмедов А.** Беруний асарларини варақлаб 5
2. **Атаходжаев А.** Абу Райҳон Беруний-нинг қадимги зардуштий тақвимларини тиклашдаги ўрни 12
3. **Ahmad A.** Abu Rayhan al-Biruni as an Indologist: Views and Reviews 22
4. **Машарипова Г.** Абу Райҳон Беруний илмий меросида ижтимоий муносабатлар 28
5. **Хандамова М.** Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари 36
6. **Маҳмудов О.** Беруний асарларининг Европадаги дастлабки таржималари ҳақида 42
6. **Абдуллаев Б.** Ислом уламоларининг математика ва астрономия соҳасидаги фаолиятлари 50
7. **Абдуллажанова Н.** Абу Райҳон Беруний илмий меросининг тарихшунослигига доир 57
8. **Ёқубов Ф.** Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти интеллектуал миграция контекстида 69

10. **Куранбаева У**. Абу Райҳон Берунийнинг “ал-Фиҳрист”идаги асарлар хусусида 75
11. **Равшанова М.** Проблема формирования личности в философии Абу Райхана Беруни и Кимура Бин..... 85

ЮБИЛЯРИМИЗ

1. **Жуманазар А.** Залвар (устоз Ашраф Аҳмедовнинг 80 ёшли юбилейига бағишланади) 92

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баходиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

M. Khandamova

The social and philosophical views of Abu Rayhan Biruni

The present article discusses the social and philosophical views of Biruni and his attitude toward the ancient Greek and Indian philosophies.

Keywords: *philosophy, legends, atomism, natural philosophy, Aristotle, Galen, Ibn Sina, Gita.*

О. Маҳмудов

Беруний асарларининг Европадаги дастлабки таржималари ҳақида

Ўрта асрларда Европада асарлари катта қизиқиш билан лотин тилига таржима қилинган Шарқнинг буюк мутафаккирлари қаторига Жобир ибн Ҳайён (VIII аср), Умар ат-Табарий (ваф. 815), ал-Хоразмий (783–850), ал-Балхий (786–886), ал-Фарғоний (797–865), ал-Киндий (800–873), Ҳунайн ибн Исҳоқ (809–877), Собит ибн Қурра (836–901), Қуста ибн Луқа (ваф. 912), Абу Комил ал-Мисрий (850–930), ал-Баттаний (850–929), ар-Розий (865–925), ал-Форобий (873–950), ал-Қабисий (ваф. 967), аз-Заҳравий (936–1013), Ибн ал-Ҳайсам (965–1039), Ибн Сино (980–1037), ал-Ғаззолий (1058–1111) каби етук олимларни киритиш мумкин. Аммо улар орасида ўрта аср Шарқ илм-фанининг деярли ҳамма соҳалари ривожини ўз даври учун олий даражага кўтарган, асарлари савияси, тадқиқот методи билан юксак мақомга кўтарилган олим – Беруний исми йўқлиги кишини ҳайратга солиши табиий. Чунки, айнан Беруний юқоридаги олимлар плеядасининг ҳақиқий маънодаги етакчиси бўлган.

Фан тарихининг асосчиси саналмиш Ж. Сартон (1884–1956) таъбири билан айтганда, Беруний ўз даврида жаҳондаги энг доно мутафаккир эди [12: 707]. Америкалик мутахассис ўзининг машҳур “Introduction to the History of Science” (“Фан тарихига кириш”) асарида ал-Беруний номини ҳатто Ибн ал-Ҳайсам ва Ибн Сино каби олимлардан ҳам юқори поғонага қўяди [12: 707]. Бу албатта, ҳақли ёндашув бўлган. Чунончи, ўрта аср муаррихи Ёқут ал-Ҳамавий (1179–1229) аллома қаламига мансуб “ал-Қонун ал-Масъудий фи-л-ҳайъа ва-н-нужум” (“Фалакиёт ва юлдузларга оид Масъуд жадваллари”) китобига баҳо берар экан, у ўзигача яратилган фалакиёт ва ҳисобга оид барча асарларнинг аҳамиятини изсиз ўчириб

юборди [2: 257], деб қайд этади. Бунга ўхшаш таърифу тавсифларни узоқ давом эттириш мумкин. Афсуски, юқорида исмлари зикр этилган машҳур Шарқ олимларидан фарқли ўлароқ, ал-Беруний номи XIX асрга қадар Ғарб дунёсига мутлақо нотанишлигича қолиб кетди.

Берунийшунос олимларга яхши маълумки, Абу Райҳон ал-Беруний номи ва асарлари фақат XIX аср ўрталарига келибгина Ж.Т.Рено (1795–1867), Б.Бонкомпани (1821–1894), А.Гумбольдт (1769–1859), Э.Захау (1845–1930), В.Розен (1849–1908) каби шарқшуносларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Европада танила бошлади. Жумладан, 1869 йилда италиялик Балдассар Бонкомпанъи (1821–1894) алломанинг "Таҳрир мо ли-л-Ҳинд мин мақола мақбула фи-л-ақл ау марзула" ("Ҳиндларнинг ақлга мақбул ёки номақбул таълимотларини тушунтириш") асарининг айрим қисмларини эълон қилган бўлса, 1876–1878 йилларда австриялик олим Эдуард Захау алломанинг "ал-Осар ал-боқия ан ал-қурун ал-холия" ("Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар") асарининг арабча матнини, 1879 йилда эса унинг инглиз тилидаги таржимасини чоп эттирди. 1888 йилда эса алломанинг "Таҳрир мо ли-л-Ҳинд мин мақола мақбула фи-л-ақл ау марзула" асарни инглиз тилидаги дастлабки тўлиқ таржимаси Лондонда нашр қилинди [11]. Натижада, европаликлар кечикиб бўлса-да, аллома асарлари билан танишишга муяссар бўлдилар. Шу тариқа, бутун дунёда Абу Райҳон ал-Беруний шуҳрати кенг тарқалиб, олим номи ўз сафдошлари қаторидан муносиб жой эгаллади.

Хўш, бунгача аллома асарлари Европада таржима қилинганми?

Айни шу савол юзасидан республикамиз миқёсида қабул қилинган бир жавоб, аниқроғи, маълумот бор. Ушбу маълумот филолог олима Ф. Сулаймоновaнинг машҳур "Шарқ ва Ғарб" номли монографияси орқали китоблардан-китобларга ўтиб, бу борадаги бўшлиқни тўлдириб келди [3]. Хусусан, унда: "...инглиз қироли Генрих шифокори сифатида хизмат қилган испаниялик яҳудий Педро Альфонс ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб Берунийнинг "Сайдана" "оригинал номи "Китоб ас-сайдана фи-т-тиб" ва "Минералогия" (оригинал номи "Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир") асарларини лотин тилига қисқартириб ағдарган. Кейинчалик "ал-Қонун ал-Масъудий" ("ал-Қонун ал-Маъсудий фи-л-ҳайъа ва-н-нужум") нинг ҳам катта қисмини лотин тилига таржима этади... Аммо таржимон олим исмини Али Бороний шаклида ёзган ва ҳалигача шундай аталади", деб таъкидлайди [3: 246]. Бироқ муаллиф ўз фикрларини тасдиғи учун на бирон-бир манба ва на илмий адабиётга ишора қилмай, ушбу маълумотни Франциянинг ўша пайтдаги элчисининг маданият бўйича маслаҳатчиси, Тошкентдаги Франциянинг Марказий Осиёни тадқиқ этиш институти директори жаноб П. Шувендан олганлигини ёзади [3: 409].

Юқоридаги Педро Альфонс исмли шахс аслида Арагон қироли Альфонсо I (1104–1134) саройида табиблик қилган Моше Сефарди (тах. 1062–1140) эди. У 1106 йилда христианликни қабул қилгандан кейин ўзига Педро Альфонсо исмини олиб, илм истаб кўплаб мамлакатларга, жумладан, Британияга саёҳат қилган. Педро Альфонсо Ғарб таржимачилик тарихида бадиий адабиёт ва тарихга оид асарларнинг биринчи таржимони сифатида ном қолдирган. Бу асарларнинг энг машҳурлари қаторига "Калила ва Димна" ("Калила ва Димна"), "Китоб алф лайла ва-лайла" ("Минг бир кеча") ҳамда "ас-Синдибод ал-баҳри" ("Синдбод денгизчи") каби асарларни киритиш мумкин. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ал-Беруний асарларини Педро Альфонсо томонидан лотин тилига ўгирилганлиги хусусидаги маълумотлар унинг ҳозирга қадар етиб келган "Disciplina clericalis" ("Руҳонийнинг ўқув китоби"), "De Astronomia" ("Астрономия") ва "De dracone" ("Аждар") каби шахсий асарларида ҳам, таржимон ижодига оид илмий адабиётларда [13] ҳам ва XI–XIII асрларда Европада олиб борилган таржима фаолияти тарихига доир замонавий тадқиқотларда [5; 8] ҳам зикр этилмаган. Бу ўринда, "таржимон олим исмини Али Бороний шаклида ёзган"лиги тўғрисидаги маълумотни тарихий ҳақиқатга андак зид эканлигини ҳам қайд этиш зарур. Чунки, Педро Альфонсо ўрта аср Европа таржимачилигининг илк даври (XI аср иккинчи ярми – XII аср биринчи чораги) вакили ҳисобланади. У ижод қилган даврнинг характерли хусусияти шундаки, арабча асар муаллифининг исми ўша вақтда амал қилган лотин тили транскрипцияси қоидаларига мувофиқ «is», «us» ва «es» қўшимчаларини қўшиш орқали ёзилган. Мисол учун, айни даврда яратилган таржималарда Умар ат-Табарий исми Omar Tiberiadis, ал-Хоразмий исми Alkhanresmus, ар-Розий исми Rhazes шаклида ёзилган, ал-Беруний исмига нисбатан ўхшаш бўлган ал-Баттаний исми эса Albategnius тарзида келтирилади. Шундай экан, агар Педро Альфонсо ал-Беруний асарларини таржима қилганида, олим исмини Ф. Сулаймонова кўрсатганидек, арабча талаффузда *Ali Boroni* деб эмас, балки ўша даврдаги транскрипция қоидаларидан келиб чиқиб, Alberinius шаклида келтирган бўлар эди.

Педро Альфонсо ижод қилган даврнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, бу пайтда таржимонлар лотинчага ўгирилаётган асарлардаги Уқлидус – Евлид, Фисағурас – Пифагор, Жолинус – Гален, Батлимиюс – Птолемей, Арасту – Аристотел, Афлотун – Платон эканлигини англаб етмаганлар. Бундан ташқари, яратилган таржималарни ўқиган олимлар эса Alkhanresmus (ал-Хоразмий), Alfraganus (ал-Фарғоний), Rhazes (ар-Розий), Alfarabius (ал-Форобий), Avicenna (Ибн Сино) ва бошқа шу каби муаллифларни лотин олимлари деб ўйлаганлар. XV аср охири – XVI аср бошларида исмларнинг идентификация қилиниши натижасида улар

мусулмон Шарқи алломалари эканлигига амин бўлинган. Бу жараёнда Э. Ратдольт (1447–1528), А. Жунта (1457–1538), М. Сесса (ваф. 1550), И. Скот (1477–1548), Ж. Монте (1498–1551), И. Опорин (1507–1568), Г. Петри (1508–1579), У. Нойбер (ваф. 1571), И. Ҳеллер (1518–1590) каби европалик ноширлар муҳим роль ўйнашган. Айнан уларнинг хизматлари билан ўрта аср Шарқ олимларининг XI–XIII асрларда лотин тилига ўгирилган асарлари чоп этилиб, Европанинг деярли барча мамлакатлари бўйлаб тарқалди. Таассуфки, мазкур матбаачилик ишларида ҳам ал-Беруний исми бирор жойда қайд этилмаган. Бошқача қилиб айтганда, агар ҳақиқатдан ҳам Беруний асарлари XI–XIII асрларда Европада лотин тилига ўгирилганда, уларнинг таржималари ақалли кейинги давр олимлари эътиборидан четда қолмас эди. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ҳозирга қадар ал-Беруний асарларининг бирон-бир лотинча нусхаси аниқланмаган.

Бундан ташқари, Ф. Сулаймонова монографиясида “Сицилия қироли Рожер II саройида яшаб, ижод этган Абу Абдуллоҳ ал-Идрисий “Нузҳат ал-муштоқ фи-ихтироқ ал-офоқ” (“Саёҳатга муштоқ бўлганнинг уфқларга саргузаштлари”) асарида [ал-Берунийнинг] “Ҳиндистон” асарининг XVIII бобидан тўлиқ фойдаланган”лиги қайд этилган [3: 246–247]. Бироқ муаллиф бу сафар ҳам келтирилган ушбу маълумотнинг исботи учун на ал-Идрисий асарига ва на бошқа бирор-бир манба ёки илмий адабиётга ишора қилмай, ўз маълумотини шубҳа остида қолдиради.

1100–1165 йилларда яшаб-ижод қилган ал-Идрисийни ўрта асрларнинг энг машҳур географларидан эканлиги кўпчиликка яхши маълум. Унинг юқоридаги асари 1154 йилда ёзиб тугалланган бўлиб, Сицилия қироли Рожер II (1130–1154) топшириғига биноан яратилганлиги боис “Китоб ар-Ружжорий” (“Рожер китоби”) номи билан ҳам аталади. Асарнинг 1300 йилда кўчирилган арабча нусхаси 1592 йилда Римда машҳур Медичи ноширлик уйи томонидан чоп этилган [6]. 1619 йилда эса Г.Сионита ва Х.Гесронита томонидан лотин тилига ўгирилиб, Парижда нашр қилинган [7]. Асарнинг XIV–XV асрларда кўчирилган учта нусхаси ҳозирга қадар етиб келган бўлиб, уларнинг иккитаси Париждаги Франция Миллий кутубхонасида, биттаси Оксфорддаги Бодлеан кутубхонасида сақланмоқда. Сўнгги йилларда асарнинг айрим қисмлари инглиз тилида А.Макбул [9; 10] томонидан, рус тилида эса И.Коновалова [1] муҳаррилиги остида чоп этилди. Биз, мазкур нашрлар ҳамда асарнинг Оксфорд қўлёзмасини World Digital Library (Жаҳон рақамли кутубхонаси) тизимида сақланаётган электрон нусхасини ўрганиш натижасида ал-Идрисий ал-Берунийнинг “Таҳрир мо ли-л-Ҳинд мин мақола мақбула фи-л-ақл ау марзула” асари билан бевосита таниш бўлмаган, деган хулоса келдик. Чунки, ал-Идрисий китобининг кириш қисмида ўзи мурожаат қилган асарлар муаллифларини

бирма-бир санаб ўтган [6: 8; 7: 13]. Булар антик давр олимларидан К. Птолемей (90–161) ва П. Орозий (385–420), Шарқ олимларидан эса ал-Яқубий (ваф. 897), Ибн Хурдодбеҳ (ваф. тахм. 912), Қудама ибн Жафар (ваф. тахм. 922), ал-Жайҳоний (ваф. 942), ал-Масъудий (ваф. 956), Ибн Ҳавқал (X аср), ал-Узрий (1003–1085), шунингдек, ҳаётига оид маълумотлар деярли сақланмаган Мусо ибн Қосим ал-Қародий, Исҳоқ ибн ал-Ҳасан ал-Мунажжим, Жоноҳ ибн Ҳоқон ал-Кимоқийлардир. Аён бўлганидек, ал-Берунийнинг исми бу рўйхатда учрамайди. Бундан ташқари, асарнинг бирон-бир саҳифасида ал-Беруний исми ёки "Таҳрир мо ли-л-Ҳинд мин мақола мақбула фи-л-ақл ау марзула" номи тилга олинмаган.

Машҳур рус шарқшуноси И.Ю.Крачковский ўзининг "Арабская географическая литература" ("Араб географик адабиёти") номли тадқиқотида ал-Идрисийнинг юқоридаги асарини таҳлил қилиб [2: 281–299], унда ишора берилган ва муаллиф бевосита фойдаланган манбаларни санаб ўтади. Жумладан, шарқшунос олим ал-Идрисий Ҳиндистонга оид маълумотларни келтиришда ал-Жайҳонийга [аниқроғи, "Китоб ал-масолик ва-л-мамолик" ("Масофалар ва мамлакатлар китоби") асарига] таянганлигини таъкидлайди [2: 291]. Аммо И.Ю. Крачковский асарида ҳам "ал-Идрисий "Нузҳат ал-муштоқ фи-ихтироқ ал-офоқ" асарида "Ҳиндистон" асарининг XVIII бобидан тўлиқ фойдаланган"лиги тўғрисидаги маълумотни тасдиқловчи далиллар келтирилмаган. Бошқача айганда, агар ал-Идрисий "Ҳиндистон" асаридан фойдаланганида, бу унинг китобида ўз аксини топар ва бу ҳол география тарихининг билимдони, ал-Беруний илмий меросининг йирик тадқиқотчиси И.Ю. Крачковский томонидан ҳам қайд этилган бўлур эди.

Шу ўринда, И.Ю. Крачковский асарида ал-Беруний асарларини "Испанияда билишгани ва Шарқнинг бошқа улуғ олимларининг китоблари сингари, улар ҳам XI–XIII асрларда лотин тилига ўгирилгани" хусусидаги тахмин илгари сурилганлигини қайд этиш лозимдир [2: 261]. Аммо китобда ал-Берунийнинг айнан қайси асарлари, кимлар томонидан ва қачон лотин тилига таржима қилинганига оид масалалар очиқ қолган бўлиб, бу борада бирор маълумот келтирилмайди. Бундан ташқари, китобнинг "XI–XII аср Ғарб географлари" номли ўнинчи бобида ал-Узрий, ал-Бакрий (ваф. 1094), аз-Зуҳрий (XII аср), Ибн ал-Арабий (1076–1148), ал-Гарнотий (1080–1170), ал-Идрисий (1100–1165), Ибн Маммотий (ваф. 1209), Ибн Жубайр (1145–1217) каби Европа ҳудудида ижод қилган олимларнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар баён этилиб, уларнинг география фанига қўшган ҳиссаси илмий таҳлил этилади [2: 272–310]. Лекин санаб ўтилган олимлар ал-Беруний асарларидан фойдаланганликлари ёки аллома яратган назарияларнинг

ушбу олимлар дунёқарашига таъсирини кўрсатиб берувчи далиллар келтирилмагани “ал-Беруний асарларини Испания [шу билан бирга Ғарб]да билишгани”га оид мулоҳаза бироз мунозарали эканлигини англатади.

Таҳлил этилаётган масала юзасидан Бранденбург Фанлар Академияси (Германия) ходими, шарқшунос Готтхард Штроммайернинг 2001 йилда эълон қилган “Ал-Беруний: Ғарб дунёси билмаган даҳо” номли илмий мақоласи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у 2007 йилда Тошкентда “Жаҳон адабиёти” журналининг 3-сонида ўзбек тилида ҳам нашр этилган [4]. Немис олими ўз мақоласида тан олганидек, Европа ўз вақтида ал-Беруний даҳоси билан яқиндан танишиш имкониятни қўлдан бой берган эди [4: 136–137].

Г. Штроммайер: “[Агарда] Нобель мукофоти бундан минг йил муқаддам таъсис этилганда эди, шубҳасиз, у ўз навбатида мусулмон дунёсининг ана шу олими [ал-Беруний]га берилган бўлур эди”, – деб таъкидлайди [4: 131]. Бироқ бизнингча, “агар ал-Беруний асарлари бундан минг йил аввал лотин тилига ўгирилиб, бутун Европа бўйлаб тарқалганда, Альфред Нобель ўз навбатида Беруний мукофоти билан тақдирланган бўларди”, дейиш мантиққа ва ҳақиқатга анча яқинроқдир.

Шундай қилиб, мавзу юзасидан олиб борган тадқиқотларимиз натижасида ал-Беруний асарларини ўрта асрларда Европа таржима марказларида лотин тилига ўгирилганлиги хусусидаги аниқ илмий далилларга дуч келмадик. Бу борада фанда мавжуд маълумотлар тахминий мазмунда бўлгани ҳолда, манбавий асос эга эмас. Афсуски, бундай маълумотлар тарихий далиллардан кўра, тарихий тўқималарнинг кўпайишига сабаб бўлади. Шуни таъкидлаб ўтишни хоҳлардикки, биз юқорида Ф. Сулаймонова ва И.Ю. Крачковский асарларидаги айрим фикрларга нисбатан билдирган раддияларимиз асло бу таниқли олимларнинг фан олдидаги хизматларини шубҳа остига олиш деган маънони англатмайди. Илм аҳли уларнинг фан тарихининг тадқиқ этишга улкан ҳисса қўшганликларини яхши билишади. Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз ҳозирга қадар ўрганилмай қолган масала юзасидан олиб борган изланишимиз натижасини илм аҳли эътиборига етказишдан иборат эди.

XI–XIII асрларда Европа таржима марказларида 80 га яқин антик давр ҳамда ўрта аср Шарқи йирик мутафаккирларининг 200 дан ортиқ нодир асарлари лотин тилига таржима қилинган. Абу Райҳон ал-Берунийнинг астрономия, математика, минералогия, фармокология, геодезия ва география фанларини янада мукаммалроқ, яхшироқ ва замонавийроқ ифодаловчи “ал-Қонун ал-Маъсудий фи-л-ҳайъа ва-н-нужум”, “Китоб ас-сайдана фи-т-тиб”, “Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир”, “Таҳрир

мо ли-л-Ҳинд мин мақола мақбула фи-л-ақл ау марзула”, “ал-Осар ал-боқия ан ал-қурун ал-холия” каби асарлари, таассуфлар бўлсинки, таржимонларнинг эътибор доирасидан четда қолиб кетди.

Хўш, қандай сабаблар билан ал-Беруний асарлари XI–XIII асрларда Европада таржима қилинмади? Аслида, ўз замондошлари каби олим асарлари ҳам ўрта асрларда Ғарб мамлакатларига кириб борганми-ди? Нима учун Янги даврга қадар аллома асарлари Европа илм-аҳли эътиборидан четда қолди? Бу каби саволларга жавоб топиш янги изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Бугунги кунга қадар жаҳон миқёсида Абу Райҳон ал-Беруний ҳаёти ва ижодига оид турли даражадаги илмий ишлар эълон қилинди. Агарда бу каби тадқиқотларнинг библиографик рўйхати тузиб чиқилса, уларнинг умумий сони мингдан ошиб кетиши турган гап. Шунга қарамай, бу буюк аллома асарларини Европада таржима этилиши, айниқса, дастлабки таржималарига доир масала ҳануз мунозараталаблигича қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Коновалова И. Ал-Идриси о странах и народах Восточной Европы: текст, перевод, комментарий. Москва, 2006.
2. Крачковский И. Избранные сочинения. Арабская географическая литература. Т. IV. Москва, 1957.
3. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Тошкент, 1994.
4. Штроммайер Г. Ал-Беруний: Ғарб дунёси билмаган даҳо // Жаҳон адабиёти. № 3 (117). 2007. Б. 131–137.
5. Alverny M-T d’. Translations and translators // Renaissance and Renewal in the Twelfth Century. Oxford, 1982. P. 421–462.
6. Al-Idrisi. De Geographia Universali: Kitāb Nuzhat al-mushtāq fī dhikr al-amṣār wa-al-aqṭār wa-al-buldān wa-al-juzur wa-al-madā' in wa-al-āfāq. Rome, 1592.
7. Al-Idrisi. Geographia Nubiensis: id est accuratissima totius orbis in septem climata divisi descriptio, continens praesertim exactam vniuersae Asiae, Africae, rerumque in ijs hactenus incognitarum explicationem / Trans. and eds. G.Sionita, J.Hesronita. Paris, 1619.
8. Burnett C. Translating from Arabic into Latin in the middle Ages // Ein internationales Handbuch zur Übersetzungforschung. Berlin, 2007. S. 1231–1238.
9. Maqbul A.S India and the Neighbouring territories in the «Kitab nuzhat al-mushtaq fi’khtiraq al-‘afaq» of al-Sharif al-Idrisi. Leiden, 1960.
10. Maqbul A.S. Cartography of al-Sharīf al-Idrīsī // The History of Cartography / Eds. by J.Harley, D.Woodward. Vol. 2. Chicago, 1992. P. 156–174.

11. Sachau E. Ta’rikh al-Hind. Alberuni’s India, an Account of the Religion, Philosophy, Literature, Chronology, Astronomy, Customs, Laws and Astrology of India about 1030. London, 1888.
12. Sarton G. Introduction to the History of Science. Vol. I: from Homer to Omar Khayyam. Washington, 1927.
13. Tolan J. Petrus Alfonsi and his medieval readers. Gainesville, 1993.

О. Маҳмудов

Беруний асарларининг Европадаги дастлабки таржималари ҳақида

Мақолада XI–XIII асрларда Ғарбда олиб борилган таржима фаолияти тарихига доир илмий адабиётлар таҳлил натижасига таяниб, ал-Беруний асарларининг Европадаги таржималарига оид маълумотлардаги айрим хатолик ва англашилмовчиликларга тузатишлар киритилган.

Калит сўзлар: *ал-Беруний, Педро Альфонсо, ал-Идрисий, асарлар, араб ва лотин тили, таржималар ва таржимонлар, ноширлар, хатолик ва англашилмовчиликлар, тузатишлар.*

О. Махмудов

О ранних переводах произведений Бируни в Европе

В статье на основе тщательного анализа научной литературы, посвященной истории переводов в Европе XI–XIII вв., вносятся существенные поправки, целью которых является устранение некоторых ошибок и несуразностей в европейских переводах трудов ал-Беруни.

Ключевые слова: *ал-Беруни, Педро Альфонсо, ал-Идриси, труды, арабский язык и латынь, переводы и переводчики, издатели, ошибки и несуразности, поправки.*

O. Makhmudov

Early translations of Biruni's works in Europe

The article provides a few corrections regarding the European translations of al-Biruni's works based on the careful analysis of the secondary literature devoted to the history of translations in Europe between the 11th-13th centuries.

Keywords: *al-Biruni, Pedro Alfonso, al-Idrisi, works, Arab and Latin, translations and translators, publishers, mistakes, corrections.*

Б. Абдуллаев

Ислом уламоларининг математика ва астрономия соҳасидаги фаолиятлари

Исломда аниқ фанлар соҳасида баракали ижод қилган қомусий олимларнинг илмий ютуқлари замирида диний илмларни мукаммал билганликлари кўринади. Уларнинг аксарияти Қуръони каримни ёшлигиданоқ тўла ёд олган.

Мусулмон мамлакатларида ва умуман, ислом турмуш-тарзида аниқ фанлар, айниқса, математика ва астрономия муҳим ўрин тутган.

Ислом математик ва астрономлари ҳинд, хитой, юнон илмларини жамлаб, тараққий эттириб, бу соҳаларда янги йўналишларни, жумладан, алгебра, тригонометрияга оид ҳисоблаш усуллари ва қоидаларини жорий қилганлар. Ислом уламолари диний илмлар билан бирга аниқ фанларни ҳам жиддий ўрганганлар ва муайяан ютуқларга эришганлар. Албатта, бу тасодифан эмас, улар мазкур илмларга ҳам эътиқод нуқтаи назаридан ёндошганлар. Мисол учун, Қуръони карим оятлари ва Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадиси шарифларида вафот этган киши қолдирган мерос тақсимоти борасида аниқ кўрсатмалар берилган бўлса-да, ундан ташқари закот, ушр, васият, ширкат, музораба, солиқ, божхона ва қурилиш иншоот ишлари ва бошқа масалаларда ҳам уларнинг ҳисоб-китобини чиқариш учун математика қонун-қоидаларининг аналитик формулаларига чуқур эҳтиёж сезилган. Табиийки, бу масалалар математикага оид илмларни ўрганишни тақозо этди ва мусулмон шарқ олимларининг муттасил, изчил изланишлари натижасида юқори даражада ўз ечимини топди. Натижада, ислом олимлари математиканинг бир неча йўналишларида: оддий арифметика, алгебра, геометрия, планиметрия,